

Дин ишлари бўйича қўмимага янги раис тайинланди



14:18 / 08.04.2021 2107

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига раиси Абдуғофур Аҳмедов лавозимидан озод этилди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмига ахборот хизмати хабар берди.



Қайд этилишича, у бошқа ишга ўтказилган.

Ушбу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарорига асосан Тошбоев Содик Доноқулович Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси этиб тайинланди.

С.Тошбоев тайинловга қадар Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг собиқ раиси Абдуғофур Аҳмедов 2019 йилнинг сентябр ойи бошларида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага раҳбар бўлганди.

Абдуғофур Аҳмедов муқаддам Давлат хавфсизлик хизмати тизимида ишлаган.